

ТАЪЗИЯ



14:46 / 19.03.2021 2186

Замонамизнинг буюк алломаларидан, фазилатли шайх Муҳаммад Али Собуний ҳазратларининг вафотлари муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига чуқур ва самимий таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло бу марҳум устознинг барча хайрли ишларини, илм йўлидаги хизматларини, солиҳ амалларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, охиратларини обод қилсин.

Марҳумнинг аҳли байтига Аллоҳ таолонинг қазои қадарини розилик ила қарши олган чинакам мўминларнинг мақомини сўраймиз, барча яқинларига гўзал сабр тилаб қоламиз.

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!

«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси,

***Islom.uz* портали жамоаси**